# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 31-IYUL, SESHANBA, 90 (8015) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Бойсун туманидаги "Омонхона" шифо маскани мутлақо янгича қиёфа касб этди. Бу ерда сурункали гепатит, ўт пуфаги ва йўлларининг яллиғланиши, ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет каби дард билан келувчи беморлар ва дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё этилди. 2



Гулистон шаҳридаги О.Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театрида "Энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 11 нафар маслаҳатчи учта шарт бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар. 3



XXX ёзги Олимпия ўйинларида дастлабки муваффақиятга эришилди. Мамлакатимиз спорт делегацияси ғазнасига Лондон Олимпиадасининг биринчи – бронза медалини дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!






Андижон вилояти



## Ҳар гўша гулзор мисол

**Бир неча йилдирки, "Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бугун вилоятнинг қай бир гўшасига борманг, бамисоли гуллар водийсида юргандек бўласиз. Ҳар бир хонадон, кўча, маҳалла, қишлоқнинг ўзгача тароватi бор. Турфа гуллар... Уларнинг турини санаб адоғига ета олмайсиз.**

Меҳнат жамоалари, мактаб ва мактабгача таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида "Биз бахтиёр оиламиз", "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" каби тадбирлар ўтказиш анъанага кирмоқда. Ҳар бир тадбирда табиат манзараси ўз аксини топишида рамзий маъно бор. Боланинг кўнглига гўзаллик қанча эрта кириб борса, унинг самараси ҳам шунга яраша бўлади. Демоқчимизки, момолар, бувилар ва фарзандлар ўртасида саранжом-сариштaлик масаласида мавжуд бўлган узвийлик мукаммаллик касб этмоқда. Сирасини айтганда, Андижонда ўтказилаётган тадбирларнинг ҳар бирида истиқлол шукронаси намоён бўлмоқда.

Бу йилги кўрик-танлов "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилмоқда. Шу муносабат билан жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига эътибор янада ортмоқда. Бунда аҳолининг фаоллиги, истиқлол йилларида амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишлари ва унда ёшларнинг иштироки асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Балиқчи туманидаги Балиқчи қишлоғига кириб келаркансиз, кўз олдингизда чиройли манзара пайдо бўлади. Катта йўлнинг икки томонидаги бир-биридан чиройли, замонавий қўшқаватли бинолар, йўл ёқасидаги арчалар ва унинг атрофидаги ранг-баранг гуллар...

Туман марказидаги "Учбулоқ" дам олиш оромгоҳи эса беихтиёр сизни ўзига ром этадики, бу ердаги гулу гулзорлардан узоқлашгингиз келмай қолади. Худди шундай манзара Чинобод қишлоғида ҳам мужассам. Ҳар бир туп гиёҳни асраб-авайлашга, уни кўпайтиришга одатланган балиқчиликларнинг бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

Кўрик-танловни ўтказиш ҳайъати аъзолари айни Балиқчи туманидаги гўзаллик вилоятнинг барча ҳудудларига кўчиб бўлганлигини эътироф этишмоқда. Олтинкўл, Андижон, Шаҳрихон, Пахтаобод, Булоқбоши, Марҳамат, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа ва Бўз туманларида бўлиб ўтган кўрик-танловларда ана шундай хулосага келинди.

Ушбу кўрик-танлов давомида миллий ҳунармандчилик йўналиши бўйича кўргазмалар ўтказилмоқда. Моҳир усталар, чеварлар қўлида сайқал топаётган буюмларнинг хили ҳам ранг-баранг бўлиб, улар ички бозорни янада тўлдиришда муҳим омил бўлаётир.

Янги иш ўринлари яратиш, бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб этиш асосий жиҳат бўлиб бормоқда. Бўлиб ўтган тадбирлар давомида жойларда элликдан зиёд савдо, маиший, сервис хизмати марказлари, кичик корхоналар ўз фаолиятларини бошладилар. Биргина Избоскан туманидаги Даминбойчек маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Марс-инвест" хусусий корхонасида 200 киши мунтазам иш ўрнига эга бўлди. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Ҳар бир туманда ўтказилаётган кўрик-танлов ниҳоясида ғолиблар рағбатлантириляпти. Сўнгра бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт дастури намойиш этилмоқда. 2-21 август кунлари эса Андижон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар янада гўзал манзара касб этади. Вилоят марказида барча туманларнинг бадиий-кўргазмали чиқишлари намойиш қилиниб, қатнашчиларга қувонч бахш этилади. Сўнгра вилоят ҳокимлиги мукофотига сазовор бўлган шаҳар ва туманлар номи маълум бўлади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Шу кунларда жойларда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини бажариш борасидаги устувор вазифалар ижроси ҳамда галдаги муҳим вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

## НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ ВА РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарган йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида Оролбўйида иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминлангани таъкидланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулот 9,8, саноат маҳсулотлари 2,4, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,9, қурилиш ишлари 7,6, савдо ва умумий овқатланиш ҳажми 11,2 фоизга ўсди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида барча манбалар ҳисобидан 105 миллиард 936 миллион сўм маблағ сарфланди. Ўтган олти ойда 25 минг 398 иш ўрни яратилди.

Йиғилишда айрим соҳаларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов қатнашди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

* * *

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** фаоллари йиғилишини вилоят ҳокими Б.Юсупов олиб борди. Унда таъкидландики, ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми 11,5, капитал қуйилмаларни ўзлаштириш 4,7, қурилиш ишлари 11,5, чакана савдо айланмаси 18,5 ва пуллик хизматлар 16,2 фоизга ўсди. Кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 71,7 фоизни ташкил этди.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари бўйича 395 миллиард сўм ўзлаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 78 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Ўтган даврда ушбу лойиҳалар доирасида жами 4,2 миллион доллар микдорида хорижий инвестициялар жалб этилиб, 19 саноат корхонасида модернизация ишлари амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 62,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Президентимизнинг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, экспортчи корхоналар сафи 14 тага кўпайиб, уларнинг сони 53 тага етди. Экспорт маҳсулотлар сони 17 тага ошиб, 55 тани ташкил этди.

Ўтган олти ойда 38,6 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 41,5 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида барча манбалардан 152,9 миллиард сўм сарфланиб, бу борадаги режа 59 фоизга бажарилди. Йиғилишда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Айрим соҳаларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Наманган вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Йиғилишни вилоят ҳокими Т.Жўраев олиб борди. Унда таъкидландики, жорий йилнинг биринчи чорагида барча соҳаларда ўсиш суръатлари қайд этилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 103,2 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 2588,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Беш турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, экспорт ҳажми яна икки турдаги маҳсулот билан бойиди.

Вилоятда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар изчил бажарилмоқда, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар ўзлаштирилаётир. Йиғилишда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойларни зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Тошкент вилояти

ФЕРМЕР ТАЖРИБАСИ

## «ВАРАҚЛАШ»ДА ҲИКМАТ КЎП

**Бободеҳқонлар айтишади: асад экинни ясатадиган давр. Ҳа, бугунги кун ғўза парваришига эътиборни кучайтирадиган пайт.**

Янгийўл туманидаги "Мамат полвон САДЭК" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Камолов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди. Абдумалик ака кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган. Катта тажрибаси бор.

— Далани айни кун қизиган пайтда айланаман, — дейди у. — Боиси, экин чанқаганлигини ёки касалликка чалинганлигини айнан иссиқда яққол билиш мумкин. Бугун ҳам далани айланиб, шундай хулосага келдим: ғўзаларни "вараклаш" лозим. Ҳозир ғўза шонаю гулга бурканган. Бу яхши. Бироқ улар "вараqланмаса", экиннинг пастки қисмидаги кўсакларга қуёш нурлари етиб бормайди, экин орасидан шамол ўтмай, пастдаги кўсаклар қуёш тафтидан бебаҳра қолади. Шунингдек, бу жойлар заракунанда ҳашаротлар уясига айланиб қолиши мумкин.

Тажрибада ҳикмат кўп. Фермер хўжалик мироби Расулжон Ғоиповнинг тажрибаси ҳақида тўхталди.

— Расулжон ғўзанинг талабига қараб, сув беради, — дейди у. — Қайси далада қанча сув сарф бўлади, барчасини ҳисобга олиб қўйган. Меъёрни яхши билади. Бунинг учун махсус кўрсаткич ишлатади. Кўрсаткични ариқ бошига ўрнатиб, сув оқишини ўша билан кузатиб боради. Белгиланган меъёрдан ошиб кетса, дарров сув оқимини секинлатади. Меъёрга етмаса, оқимни тезлатади. Шундай қилиб, обиҳаёт исроф бўлмайди.

Ҳар бир ишнинг ҳадисини олган фермер хўжалиги аъзолари меҳнати самарали бўляпти. Улар 116 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил йиғиштириб олдилар. Давлатга 400 тоннадан ортиқ сара дон сотилди. Даромад ҳам яхши бўлди. Эл-юрт дастурхонини сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида ҳам ибратли ишлар олиб бориляпти. 17 гектар майдонда помидор, карам, булғор қалампири, 4 гектар ерда қовун-тарвузлар пишиб етилди. Далада ишловчиларга тайёрланаётган иссиқ овқат учун масаллиқлар хўжаликнинг ўзида етиштириляпти. Ҳозир далаларга экилган такрорий экинлар ҳам бўй кўрсатиб қолди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**



**СУРАТДА:** *фермер Абдумалик Камолов сувчи Расулжон Ғоипов билан.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# УЛАР ЎЗ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАДИЛАР

## "МИКРОКРЕДИТБАНК" ТОМОНИДАН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ

**"Мен келажагимни тадбиркорлик соҳасида кўраман. Негаки, коллежда эгаллаган касбим тадбиркорликни, ишбилармонликни талаб этади. Яқинда "Диплом билан бизнесга" лойиҳасида иштирок этдим. Лойиҳам маъқулланди. "Микрокредитбанк" томонидан 3 миллион 100 минг сўм кредит ажратилди. Унга тикувчилик цехи ташкил этдим. Бу тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимга асос бўлади. Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдормиз. Тадбиркор ёшларга қаратилаётган эътибор келажагимизнинг янада ёрқин бўлишидан далолатдир".**

Бу Қўрғонтепа индустриал-педагогика коллежи битирувчиси Сарвиноз Иминованинг фикрлари эди. Халқимизда шундай ибора бор: ҳунар – ҳунардан унар. Яна айтишадики, ҳунарли хор бўлмас. Айниқса, қиз боланинг ҳунарли бўлиши унинг ҳаётида, жамиятда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ўқувчиларни касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида сўз юритар экан, қиз болаларнинг коллежларда ўқиши масаласида шундай дея таъкидлаб ўтдилар, коллежда ўқиб, аниқ касб-ҳунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

"Микрокредитбанк" томонидан айни шу вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларнинг коллежда олган билим ва кўникмаларини тадбиркорликка йўналтириш, ҳунарлари орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бу касаначилик бўладими, зардўзлик бўладими, каштачилик ёки тикувчилик бўладими, ана шу ҳунарлари билан жамиятга, оилага наф келтиришга асос яратилаётир.

Эртага олий таълим муассасаларига қабул учун тест синовлари бўлиб ўтади. Унда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини битирган минглаб ёшлар ўз билим ва маҳоратларини адолатли мезонларда синаб кўришади. Албатта, уларнинг барчасини олий таълимга қамраб олиш мушкул. Демакки, бу жараёнда ёшларга коллежларда эгаллаган ҳунари асқотади. Улар эса мустақил фаолиятга ҳунари билан йўл олган.



Шу ўринда бир маълумотга эътибор қаратсак, жорий йилда коллежларни тамомлаган битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар доирасида 501,5 минг битирувчи "коллеж-корхона" тизими бўйича 92,9 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди. 97,3 минг битирувчи билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди.

Қолаверса, уларни иш билан таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Буни "Микрокредитбанк" томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин. Мазкур молия муассасаси ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 5,4 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Умуман олганда, "Микрокредитбанк" ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларга 94 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Ана шундай сармоядан баҳраманд бўлган ёшлардан бири, юқорида айтиб ўтилган Сарвиноз Иминовадир. Мингбулоқ агросаноат коллежи битирувчиси Холидахон Шарипова эса ўзи ишлаб чиққан бизнес режасига кўра, қандолатчилик корхонасини очди. Бунда унга банк томонидан берилган 3 миллион сўмлик сармоя қўл келди. Энг муҳими, у уч нафар тенгдошини ҳам ёнига олди.

Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежини шу йил битирган Адолат Ўктамова ҳам банкнинг мадади билан уйда ўз бизнесини бошлади. Бу жараёнда унга банк томонидан ажратилган тикув машинаси қўл келди.

– Банкдан миннатдормиз, – дейди Адолат. – Нафақат мен балки, кўплаб тенгдошларим ушбу мададдан баҳраманд бўлди. Бунга туманимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" семинари сабаб бўлганди. Ушбу тадбирда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. "Микрокредитбанк" томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 5 нафар битирувчига эса бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топширилганди. Бугун тадбиркорликни бошлаган биз каби ёшлар ёнига тенгдошларини ҳам оляпти, бу билан янги иш ўрни юзага келишига имкон яратяпти.

Ҳа, банк томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг ёш тадбиркорлар билан учрашувлари, малакали мутахассисларнинг тавсиялари, тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, фоизи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлар ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда. Банк томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор – юртга мадакор" танловида эса минглаб ёшлар иштирок этиб, ўзининг бу борадаги салоҳияти, иқтидорини намойиш этмоқда. Шунинг баробарида яна минглаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонмоқда.



Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларда ёшларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётир. Фармон талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам жорий йилнинг ўтган ойларида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, ҳудудларда кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Битирувчилар, тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшларга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топширилди. Ёш тадбиркорларнинг маҳсулотлари, хизматлари намойиш этилди.

— Ўғлим Азизбек Бухоро тиббиёт институтини тамомлагач, туман марказида тиш шифокори бўлиб иш бошлади, — дейди Қоракўл туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Баҳром Полвонов. — Ҳар куни 15 километр йўл босиб, туман марказига қатнарди. Ҳам ўғлимга, ҳам маҳалладошларга қулай бўлишини ўйлаб, қишлоғимизда хусусий тиш даволаш маскани қуришга қарор қилдик. Албатта, қурилишнинг ўзи бўлмайди... Аммо ташаббусимни қўллаб-қувватлаганларнинг кўплиги менга мадад берди. Айниқса, "Микрокредитбанк"дан миннатдормиз.

Ҳа, Қоракўл тумани марказидан бироз олисда, Янги-турмуш маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мирҳожи қишлоғида қад ростлаган кўркам шифо маскани маҳаллий аҳолига ажойиб совға бўлди.

Қурилиш ишларининг бир қисми ва замонавий, компьютерлаштирилган тиббиёт ускуналари сотиб олишга "Микрокредитбанк"нинг туман филиали томонидан ажратилган 20 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари қўл келди.

Яқиндагина иш бошлаган шифо масканининг фаолиятидан аҳоли жуда мамнун. Бу ерда иш олиб бораётган икки нафар олий маълумотли шифокор ва икки нафар тиббиёт ходими мижозларга малакали хизмат кўрсатишмоқда.

Бугун ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банк ўзининг ёрдамини, мададини бериб келмоқда. Ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликни ўзининг келажаги деб билаётган, юртга хизмат қилишда ана шу соҳани танлаётган экан, уларга мададкор бўлиш хайрлидир.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Бухоро Вилояти

Олот туманида куз-қиш фаслига ҳозирданоқ пухта тараддуд кўрилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012-2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётир.

## СИФАТ БЎЛСА ИШДА, МУАММО БЎЛМАС ҚИШДА

— Туманимиздаги газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти корхоналари мавсумга тайёргарлик бўйича амалий иш режаларини тузган, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Салим Қодиров. — Бугунги кунга қадар туман бўйича умумий узунлиги 144,5 километрдан иборат электр тармоғи, 65 та трансформатор, тегишли тоза ичимлик суви қувурлари, 1,2 километр узунликдаги табиий газ тармоғида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, 10 та қозонхона, 24 та қозон, 2 километрдан ортиқ иссиқлик тармоғи созланди.

Йилнинг куз-қиш мавсумига қадар иккита мактабгача таълим, иккита тиббиёт муассасаси жорий ва мукаммал таъмирлаш режасига киритилган. Чекка, табиий газ таъминотида муаммоси бўлган аҳоли пунктларидаги хонадонларнинг, ижтимоий соҳа объектларининг кўмир ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини таъминлаш чоралари кўрилаётир.

Ҳозиргача умумтаълим мактабларига белгиланган 962 тонна кўмирнинг 866 тоннаси, тиббиёт бирлашмасига 172 тонна кўмирнинг 138 тоннаси етказиб берилди. Айни пайтда тумандаги 4 та касб-ҳунар коллежи учун 45 тонна, аҳоли эҳтиёжи учун 1050 тонна кўмир келтириш, "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасининг туман филиали томонидан хонадонларга 116,7 тонна баллонли газ тарқатиш режалаштирилмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Тошкент Вилояти

## ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

**Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, "Агробанк" ва "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" ҳамда "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" танловлари ўтказиб келинмоқда.**

Яқинда танловнинг вилоят босқичи доирасида ўқув-семинар ҳамда иштирокчиларнинг бизнес лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ўтган йили худди шу танловда 35 нафар йигит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилда 50 нафардан зиёд ёшларнинг танловда қатнашиш истаги борлиги танловнинг аҳамияти йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Танловда ёш тадбиркорларнинг истиқболли дея топилган лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган бўлди. Уларга имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

## ҲАР МАВСУМДА ЎЗГАЧА ШУКУҲ

**Болажонлар ёзги таътилни сўлим оромгоҳларда мароқли ўтказишмоқда. Айни вақтда вилоятдаги 13 та оромгоҳ ҳамда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошида ташкил этилган 112 та кундузги соғломлаштириш масканларида минглаб болалар ҳордиқ чиқаришмоқда.**

Бу йил мазкур оромгоҳларда 30 минг нафардан зиёд болаларнинг қабул қилиниши кўзда тутилган эди. Ҳозирга қадар Паркент туманидаги "Бойчечак", Ангреннинг тоғли Четсув қишлоғидаги "Коинот", "Йўлчи", Бўстонлиқ тумани Қоранкўл қишлоғидаги "Зангори олов", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" каби оромгоҳларда дам олган болалар уйларига бир олам таассурот билан қайтишди. Айни кунларда эса иккинчи мавсум ўзгача шукуҳ билан давом этмоқда. Эътиборлиси, табиати ва иқлим шароити оғир бўлган оролбўйи минтақаси ва Хоразм вилоятидан ташриф буюрган 500 нафар ўқувчилар ҳам ушбу оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаряпти.

Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалар, меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб интернат тарбияланувчиларини жалб этиш ва бепул дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Оромгоҳларда болажонларнинг таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, — дейди вилоят Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудираси Муҳайё Холбоева. — Ўйин майдончалари, сув ҳавзалари, турли тўгараклар ишлаб турибди. Маънавият ва маърифат хоналарида болалар турли фильмларни томоша қилишлари, кутубхонада ўзлари ёқтирган асарларни ўқишлари мумкин.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Сурхондарё Вилояти

## «ОМОНХОНА»ДА 100 ЎРИНЛИ ЯНГИ ДАВОЛАШ БИНОСИ

**Бойсун туманидаги "Омонхона" шифо маскани мутлақо янгича қиёфа касб этди.**

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 17 миллиард сўм маблағи эвазига бу ерда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилиб, 100 ўринга мўлжалланган даволаш биносининг биринчи навбати ишга тушди. 60 тонна минерал сув сақланадиган махсус термос, сиғими 240 тоннани ташкил этадиган шифобахш "сув омбори" қурилиб, 400 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди.

Сирасини айтганда, "Омонхона"да сурункали гепатит, ўт пуфаги ва йўлларининг яллиғланиши, ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет каби дард билан келувчи беморлар ва дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё этилди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

---

Сирдарё Вилояти

▼ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## БЕШОВЛОН БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ

**Аҳиллик билан кенгашиб қилинган ишнинг самараси, албатта, юқори бўлади. Айниқса, давлатимиз томонидан фермер ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги ишнинг кўзини билган кишиларни улкан мақсадлар сари етакламоқда. Ховослик беш ака-ука — Эгамқул, Хонимқул, Суюнбой, Ғайрат ва Муҳаммадқул Қодирқуловлар ширкат хўжаликлари тугатилган 2005 йилда ўзаро келишиб, "Фарҳод" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги фермани 86 миллион сўмга сотиб олишган ва "Нур" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишганди.**

Ака-укалар молхоналарни таъмирлаб, сув қувурларини қайтадан фермага тортиб келгунча кўп қийинчиликларни бошдан кечиришди. Айниқса, қишнинг узоқ чўзилган кунларида молларни тўйимли озуқа билан таъминлаш, соғлом наслни сақлаб қолиш ҳар қандай чорвадордан катта куч ва тажрибани талаб этади.

Мустаҳкам озуқа захираси яратиш мақсадида жамият аъзолари ўтган йиллар ичида озуқа экинлари майдонини 122 гектарга етказишди. Шунинг 52 гектарини эски, 22 гектарини янги бедазорлар ташкил этади. Бундан ташқари, ҳар йили 30-40 гектар майдонда маккажўхори етиштирилиб, тонналаб силос бостирилади. Гўнг ва "шарбат"га тўйинтирилаётган 30 гектар майдондан эса ҳар йили мўл пахта ҳосили етиштириб келинмоқда.

— Чорвачиликда наслни яхшиламай туриб ютуқларга эришиб бўлмайди, — дейди жамият иш юритувчиси Хонимқул Қодирқулов. — Шунинг учун биз асосий эътиборни сут ва гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган наслли молларни кўпайтиришга қаратяпмиз. Шу мақсадда "Агробанк"нинг вилоят филиалидан олинган 40 миллион сўм кредит эвазиға 2007 йилда Қозоғистондан 19 бош, "Пахтасаноатсотиш" вилоят бирлашмасидан ажратилган 87 миллион сўмлик кредит ҳисобига Украинадан 52 бош қора-ола зотли наслли мол олиб келдик. Ўтган йиллар ичида зотли моллар сонини 259 бошга етказиб, бултур ва жорий йилнинг бошида наслчилик хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликларга 40 бошдан ошиқ зотли ғунажин сотдик. Хўжалигимизда беда-маккажўхори-пахта алмашлаб экиш картограммасининг тўғри йўлга қўйилганлиги сизот суви билан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 140-150 центнердан беда сенажи, 170-180 центнердан маккажўхори силоси ўриб-йиғиб олиш имконини бераётир. Ўтган йили қишловга 240 тонна сенаж, 230 тонна силос, 640 тонна кўк ўт жамғарганлигимиз сабабли қиш мавсумини беталафот ўтказдик. Бу йилги ғалла ўримида ҳозиргача 100 тоннадан зиёд сомон жамғариб қўйдик. Молларни тўйимли озуқа билан озиқлантириб, кунига сигирлардан ўртача 14-15 килограммдан сут соғиб оляпмиз.

Молбоқар Камолиддин, Давронбек Қодирқулов, механизатор Жўрабек Тўрақулов, Тожиёр Кўчимов, Рўзиқул Қорабоев, Ўктам Алламуродов, соғувчи Лола ва Ойгул Қодирқуловалар ишдаги жонбозликлари билан бошқаларга ўрнак бўлаётир. Масъулияти чекланган жамиятнинг 3 та "МТЗ-80", 2 та "Т-28", 1 та "Т-4А" трактори, 1 та "Мораль" беда ўриш комбайни, 1 та жатка, 1 та "Кир-1,5" агрегати, 2 та "КаМАЗ" автомашинаси мавжуд бўлиб, барча юмушлар ушбу техника воситалари кучи билан адо этилмоқда. Ишчиларнинг овқатланиши, дам олиши учун шароитлар муҳайё этилган. Мустақиллик йилларида чорвадорлар оиласининг 4 нафари ҳаж зиёратига бориб келишди. Орзу қилган рўшноликка, мулкдорлик мақомига истиқлол ортидан эришди. Ҳалол меҳнат чин маънода уларни эл-юртга танитди.

"Нур" чорвачилик фермаси тумандаги иқтисоди бақувват, наслчилик жадал ривожланаётган хўжаликлардан бирига айланди.

— Ака-ука чорвадорлар аҳолига сут маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга туманда наслли мол кўпайтиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келаётир, — дейди туман бош чорвашуноси Қурбон Отабоев. — Бу ерда тез-тез семинарлар ўтказиб, уларнинг тажрибасини кенг оммалаштиряпмиз. Шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги бир йилда туманимизда 4 та янги наслчилик фермаси ташкил этилди. Жойларда 10 та сунъий қочириш пунктлари ишлаб турибди. Аҳоли моллари наслини яхшилаш учун ўтган йили пунктлар орқали 22 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Наслчилик фермаларида зотли моллар сотувининг йўлга қўйилганлиги, шубҳасиз, келажакда аҳоли қўлида сақланаётган моллар наслини ҳам яхшилаш имконини беради.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МЕДАЛЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

**ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида дастлабки муваффақиятга эришилди. Мамлакатимиз спорт делегацияси ғазнасига Лондон Олимпиадасининг биринчи – бронза медалини дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди.**




Дзюдо беллашувларида дунёнинг бир юз ўттиздан зиёд мамлакатидан тўрт юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда. 60 килограмм вазн тоифасида жаҳон рейтингида етакчилик қилаётган Ришод Собиров мусобақаларни иккинчи даврадан бошлади ва рақиблари – Пекин Олимпиадаси кумуш медаль соврindори, австриялик Людвиг Пайшер, венесуэлалик Хавьер Гуедес, бразилиялик Фелипе Китадаига қарши баҳсларда катта устунлик билан ғалаба қозонди.

Афсуски, ярим финал баҳсида россиялик Арсен Галстянга кичик ҳисобда имкониятни бой берди. Шундай бўлса-да, бронза медали учун курашда франциялик Софиане Милоусни чиройли усулда енгиб, терма жамоамиз ғазнасига дастлабки медални келтирди.

Олимпия ўйинларида бокс беллашувлари ҳам қизғин давом этмоқда. Маълумки, спортнинг ушбу турида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари совринли ўринга асосий даъвогарлар қаторида эътироф этилади.

75 килограмм вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев дастлабки жангида марокашлик Бадриддин Ҳаддиуй устидан 11:9 ҳисобида зафар қучди. Энди Аббос Атоев 2 август куни руминиялик Богдан Юратонига қарши рингга чиқади.

Олимпия ўйинларида илк маротаба қатнашаётган ёш боксчимиз 60 килограмм вазн тоифасидаги Фазлиддин Ғойибназаров ҳам дастлабки босқичда Африка чемпионати кумуш медаль совриндори — камерунлик Абдон Меволини 11:6 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга йўл олди. Ф.Ғойибназаровнинг навбатдаги рақиби америкалик Хосе Рамирес бўлади. Бу жанг ҳам 2 август кунига белгиланган.

Шунингдек, 31 июль куни 64 килограмм вазн тоифасида Ўктамжон Рахмонов Эквадор вакили Рожас Мина Андерсонга қарши мусобақадаги дастлабки жангини ўтказади.

Қуръа натижасига кўра, биринчи босқични ўтказиб юборган боксчиларимиздан бўлган 52 килограмм вазн тоифасидаги Жасурбек Латипов 3 август куни, Элшод Расулов эса 4 август куни 81 килограмм вазн тоифасида баҳсларга киришишади.

Умумжамоа ҳисобида Олимпия ўйинларида ҳозирча хитойликлар пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг ҳисобида 6 олтин, 4 кумуш, 2 бронза медали мавжуд. Иккинчи ўринда бораётган АҚШ спортчилари эса 3 олтин, 5 кумуш, 3 бронза медалига эга.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

**Жорий йилнинг 23-28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.**

# ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДОВРУҒИ ЯНАДА ОШМОҚДА

Пойтахтимизда мазкур нуфузли мусобақага тайёргарлик масалаларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида халқимизнинг миллий спорт тури – кураш халқаро майдонда тобора кенг оммалашаётганини таъкидлади.

Бугун кураш дунёнинг барча қитъаларига кенг ёйилмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир.

Айниқса, Буюк Британия кураш ассоциацияси курашни Европада оммалаштиришга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда 2000 йилдан буён кураш бўйича "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнири ўтказиб келинади. Буюк Британия жорий йилда кураш бўйича яна бир нуфузли мусобақа – ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади.

Борнмут шаҳридаги "Роя Мура" спорт мажмуасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан 500 нафарга яқин спортчи иштирок этиши кутилмоқда. Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциациясининг XIII конгресси ҳам ташкил этилиб, унда курашни дунё бўйлаб янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ассоциацияга аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**




## Ғалланинг нархи ошмоқда

**Жаҳон бозорида ғалланинг нархи сўнгги тўрт йил ичида рекорд даражага кўтарилди – бир тонна буғдой қарийб 345 АҚШ долларига етди.**



Бу 2008 йил август ойидан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Экспертлар айни вақтда кўплаб мамлакатларда қурғоқчилик кузатилаётгани буғдой нархининг ошишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳавонинг кескин исиб кетиши оқибатида нафақат буғдой, балки жўхорининг баҳоси ҳам рекорд даражага – 54 фоиз ошди.

## Чиптасиз саёҳат

**Британиялик ўн бир ёшли болакай чипта ва ҳеч қандай ҳужжатсиз Буюк Британиянинг Манчестер аэропортидан Италияга учган самолётга чиқиб олган.**



Айни пайтда мазкур аэропортнинг айрим ходимлари бундай бепарволиги учун вақтинчалик ишдан четлатилган.

Маълум бўлишича, ҳаво кемаси экипажи «учар» йўловчини самолёт осмонга кўтарилгандан сўнг пайқаб қолган. Аэропортда ўрнатилган видеоускуналарнинг кўрсатишича, болакай назорат йўлкасидан йўловчилар орасида сездирмай ўтиб кетган.

## Асраганни асрайди!

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйича 285 миллион одамнинг кўриш қобилияти турли даражада пасайган, 39 миллион одамнинг эса кўзи бутунлай кўрмайди.**



Мутахассисларнинг тахминларига кўра, 2020 йилга бориб сайёрамизда кўзи ожизлар сони 75 миллионга етиши мумкин. Уларнинг айтишича, кислород танқислиги, танада ёғ алмашинувининг бузилиши, қандли диабет, стресс каби омиллар кўриш қобилиятининг сусайишига олиб келади.

Шифокорларнинг айтишича, кўриш қобилияти бузилишига оид муаммоларни фақат кўз тўқималари ҳолатини ўрганиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Уларнинг олдини олиш учун кўзларни машқ қилдириш, парҳез сақлаш, компьютер билан ишлаш қоидаларига риоя этиш лозим.

## «Нафрат телефон линияси»

**Германияда дунёда биринчи «нафрат телефон линияси» очилди.**



Хабарларга кўра, истаган киши ушбу тармоққа қўнғироқ қилиб, хоҳлаганича бақириши ва уришиши мумкин. Бундай антиқа хизматнинг дақиқаси – 1 евро 49 цент. Ғоя муаллифлари Ральф Шульте ва Александр Бранденбургнинг сўзларига кўра, ҳар қандай киши баъзан юрагидаги салбий туйғуларини чиқариб ташлаши зарур. Янги кашф этилган телефон тармоғи бу борада жуда қўл келади.

Хабарларга қараганда, «нафрат телефон линияси» ташкилотчилари «ғазаб оти»га минган мижозлари учун жанг майдонидаги суҳбатдош ролини ижро этадилар ва уларнинг барча ҳақоратларини сабр билан тинглайдилар. Экспертларнинг айтишича, ушбу хизмат асабий кишиларнинг ҳовуридан тушишида ёрдам беради.

## Совун кўпигидан экран яратилди

**Япониялик олимлар совун кўпигидан телевизор экрани яратдилар.**



Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига кўра, ультрабинафша овоз тўлқинлари ёрдамида совун кўпигининг хусусиятларини ўзгартирган Токио университети профессорлари икки ва уч ўлчамли тасвирларни яратди. Экспертлар бу янги кашфиёт дунёда энг ингичка экранли телевизор яратиш имконини беради, деган фикрда.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

Бухоро Вилояти

## КОЛЛЕЖДА – МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ҚУРИЛМАСИ

Шофиркон саноат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўқувчилар яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерга "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан умумий қиймати 43 миллион сўмлик гелиоқурилма ўрнатилди.

Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берадиган бу қурилма коллеждаги ўнта компьютерни бемалол ишлатиш қувватига эга. Энг муҳими, ушбу муқобил энергия манбаидан фойдаланиш орқали бир йилда 3 минг киловатт соат электр энергиясини тежаб қолиш мумкин.

Гелиоқурилманинг айнан мазкур касб-ҳунар коллежига ўрнатилиши бежиз эмас. "Бухоро электр тармоқлари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги ушбу ўқув даргоҳида ёш энергетиклар ҳам тайёрланади. Энди улар ўқув жараёнидаёқ муқобил энергия манбаларини ташкил этиш ва энергиядан оқилона фойдаланиш кўникмаларини янада пухта эгаллайди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 27.07.2012 й.даги 89 (8014)-сонида чоп этилган Махмудов Аъзамжон Талатович номига расмийлаштирилган Юнусобод т. 2-мавзе 39-уй 63-хонадонга тегишли уй ҳужжатлари йўқолганлиги ҳақидаги эълон ҳужжатлар топилганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат U № 5626284, выданный в 2012 г. шк. № 15 Бектемирского р-на г. Ташкента на имя Мухтарова Жанибека Жолдас угли, считать недействительным.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИда (23.05.2012 й., реестр № 007366-04) рўйхатдан ўтказилган "INNOVATSIYA INVEST" МЧЖ (СТИР 302309165) таъсисчининг 25.07.2012 й. 2-сонли Қарорига кўра тугатилади. Даъво ва аризалар 2 ой мобайнида М.Улуғбек т. Қорабулоқ 1-тор кўч. 23/3-уй манзилида қабул қилинади. Тел.: +99890 911-56-59.

Утерянный диплом НВ-1 № 245834, выданный в 1984 г. Республиканским Педагогическим Институтом Русского языка и литературы на имя Ким Владимира Валентиновича, считать недействительным.

ООО "RISOLA ISHONCH PLYUS SERVIS" (ИНН 301515418), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского р-на Ташкентской обл., расположенное по адресу: Зангиатинский р-н ул. Ямин Одылова 9, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 15.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 128-07-23.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н ул. Нашриёт д. 63, выданный на имя Хайдарова Кахрамона Султановича, считать недействительным.

ЧП "NURGUL COSMETICS" (ИНН 207119307), Чиланзарского р-на г. Ташкента сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "NURGUL COSMETICS" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "NURGUL COSMETICS" к ООО "NURGUL COSMETICS". Тел.: 944-47-66.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (20.01.2010 й., реестр № 003451-01) рўйхатга олинган "QANDOLAT DURDONALARI" ХКнинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли "MASTER CANDY" МЧЖга ўзгартирилганини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 903-70-51.

Утерянный гос. ордер квартиры № 03-02/1888, расположенной по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Шахрисабз (быв. Лахути) д. 11 кв-ра 55, выданный в 21.01.1993 г. Главным управлением коммунальной собственности и приватизации исполнительного аппарата хокима г. Ташкента на имя Боровковой Марины Владимировны, считать недействительным.

Частное предприятие "GULISTON-YO'LI" Чиланзарского р-на г. Ташкента сообщает о преобразовании в ООО "GULISTON-YO'LI". Тел.: 996-44-42.

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтороз
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Фермерлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

**ДИҚҚАТ, КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ ЯНГИ ВА САМАРАЛИ БИОЛОГИК ВОСИТА!**

"Уруғ-Инвест" Ўзбекистон-Сербия қўшма корхонаси кўсак қуртига қарши юқори самарали ВИРИН ХСК биологик воситасини таклиф қилади. Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, зараркунандалар табиий кушандалари ва ўсимлик чанглатувчиларига мутлақо зарарсиз. Ушбу восита ғўза, маккажўхори ва бошқа экин далаларидаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

Маҳсулот сертификатланган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида фойдаланишга рухсат этилган пестицидлар ва агрокимёвий воситалар рўйхатига киритилган.

**Батафсил маълумот учун: www.semena.uz**
**(+ 998 90) 920-32-99, (+ 998 90) 920-29-74; факс: (8-371) 234-62-45.**
**Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Боғишамол кўчаси 8-уй.**



Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-366) 921-50-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.15
16180 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 345